

**«ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ»
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ**

- 1. Қурилиш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш тугалланганда ёқилгидан фойдаланувчи бир йилда 100 000 ва ундан ортиқ кубометр табиий газдан фойдаланувчи корхоналар ва нефть-газ технологик объектлари (қурилмалар)га асбоб-ускуналарни комплекс синаб кўриш, режим-созлаш ишлари ва табиий газ восита сифатида қўлланганда газ қувурларини тозалаш ишлари учун газ узатишга рухсатнома бериш.**
- 2. Лицензия талабгори мурожаатига асосан, нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш учун ўрнатилган технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш.**
- 3. Лицензия талабгори мурожаатига асосан, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш учун технология жараёнларининг ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш фаолияти бундан мустасно).**
- 4. Лицензия талабгори мурожаатига асосан, нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш учун нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш, асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг махсус маълумотга эгаллиги тўғрисида хулоса бериш.**
- 5. Лицензия талабгори хатига асосан, нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш учун нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг махсус маълумотга эгаллиги тўғрисида хулоса бериш.**
- 6. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) лицензия олиш.**